АНДИЖОН ВА МАРҲАМАТ ТОПОНИМЛАРИ ҲАҚИДА

Ю.И. Аҳмадалиев

Мақолада топонимика фанининг долзарб масалалари, жумладан, Андижон ва Марҳамат топонимларининг этимологияси ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: *топонимика, географик объектларнинг номлари, этимология, этнос, этнология, консорция, конвиксия.*

В статье рассматриваются актуальные вопросы топонимики, в том числе, вопросы этимологии топонимов Андижан и Мархамат.

Ключевые слова: *топонимика, названия географических объектов, этимология, этнос, этнология, консорция, конвиксия.*

The article contains important issues of the toponomics, their ethimology on the examples of of Andijan and Marchamat district.

Key words: *toponomics, the names of geographical objects, etymology, ethnos, ethnology, contortion, conviction.*

Ҳар бир юртнинг энг азиз, ардоқли қадриятларидан бири – унинг номидир. Юрт вакиллари қаерда бўлмасинлар, бу номни фахр билан тилга оладилар, шеър ёзиб, қўшиқ қилиб куйлайдилар, эслаб юрадилар. Ўзга юртларда ўз ҳамюртларини учратган кишилар учун уларнинг исмлари эмас, балки уларнинг ўзбекистонлик, андижонлик ёки марҳаматлик экани аҳамиятлироқ бўлиб, уларни қадрдон дўстларга айлантиради. Шунинг учун ҳам кишилар ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарларни номлашда уларнинг адреслик функциясини (яъни бир географик объектни иккинчисидан ажратиш, фарқлаш ва аниқ ўрнини топиш) бажаришинигина эмас, балки юрт тимсоли бўлиб, маънавий қадриятга айланиб қолишига ҳам эътибор қаратганлар. Номларнинг маъносида мазкур жой ва у жойда яшовчи аҳолининг энг характерли, ўзига хос хусусиятларини акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида шундай ёзади: «Ҳолбуки, аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар авваломбор ўзининг аниқ тарихий-жуғрофий маъноси билан ажралиб туради» [1.19].

Бошқа соҳаларда бўлгани каби, ушбу соҳада ҳам ўз миллатимиз, мустақил давлатимиз манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўплаб жой номлари ўзгартирилди. Уларни илмий асосда ўрганиш, маъносини англаш, топонимик хариталарни тузиш, такрорий (адаш) номлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик, тўғри ёзиш, кўрсаткичлар билан таъминлаш, келажак авлодлар учун асраб қолишга қаратилган миллий топонимик сиёсат юритила бошланди. Мазкур сиёсат тамойилларидан келиб чиқадиган вазифаларни мукаммал бажариш кўп жиҳатдан амалдаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга боғлиқ. Шунинг учун мамлакатимизда мазкур соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш

Ю.И.Аҳмадалиев *– ФарДУ география кафедраси профессори, география фанлари доктори*

ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида»ги, 2011 йилда қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-120-сонли қарорлари ушбу масалани давлат сиёсати даражасига кўтарди. География объектларни номлашнинг баъзи масалалари «Давлат тили тўғрисида»ги (1989) ҳамда «Геодезия ва картография тўғрисида»ги (1997) Қонунлар билан ҳам тартибга солинади. Албатта, бу сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш, унда белгиланган кўрсатмаларга оғишмай амал қилишда топонимика фани соҳасидаги олимларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки, устоз, география фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳасанов ёзганидек: «Янги туғилган чақалоққа от қўйиш осон. Чунки юзлаб тайёр исмлар бор, улардан фақат ўзингизга маъқулини танлаб оласиз. Аммо жой номлари тайёр эмас. Уларни «ўйлаб топиш» керак, исмини жисмига монанд қилиш керак» [2.16].

Жой номларининг қандай маъно англатишини билиш, уни тўғри изоҳлаш у жойнинг табиий-тарихий хусусиятлари, аҳолиси ва хўжалиги ҳақида қизиқарли билимлар хазинасини очишга ёрдам беради. Қолаверса, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонун талабларига мос тушади. Шунинг учун ҳам қуйида Андижон ва Марҳамат номларининг этимологияси ҳақида тўхталмоқчимиз.

Андижон сўзининг этимологияси ҳақидаги илмий мунозаралар узоқ вақтдан буён давом этмоқда. Бу йўлдаги изланишлар йўналишини белгилашда А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи (1920) ва у асосида яратилган (1969) кинофильмда «анди» сўзи салбий маънода ишлатилганининг таъсири борга ўхшайди. Буни қарангки, »Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг ҳар икки нашрида ҳам (1981; 2006) асар қаҳрамонларидан бири Ўзбек ойимнинг келгинди «анди келин» ҳақидаги фикри келтирилади. Натижада, 1970 йилдан кейинги изланишлар («Фан ва турмуш» 1972 йил 3-сон, 1985 йил 5-сон, 1994 йил 1-сон) Андижон номини «анди» уруғи ёки қабиласи номи билан боғлаш нотўғри эканлигини исботлашга йўналтирилди. Жумладан, С.Жалилов адабиётларда ва ёзма манбаларда юзга яқин ўзбек уруғлари орасида бундай уруғ йўқлигини ёзади (1989).

Бироқ қатор изланувчилар В.Наливкин [3], З.Дўсимов, Х.Эгамов [4.15] Андижон топоними дастлаб *Андигон* шаклида бўлганлигини ёзиб, *анди* –қабила номи, *гон* (*кан*) қишлоқ маъносини билдиради деб таъкидлайдилар. Х.Ҳасанов [5,29], С.Қораев [6,84] каби олимлар томонидан жамланган халқимизнинг уруғ-қабила номлари қаторида Анди уруғи қайд этилади. Андижон топоними ҳақидаги батафсил маълумотлар Р.Шамсутдинов, А.Исҳоқовлар томонидан чоп этилган Андижон тарихига бағишланган асарда берилган [7]. Бу асарда бизнинг 1997 йилдан буён айтиб келаётган изоҳимизга яқин фикрлар, яъни *анди* «дўст тутиниш» одатидан олинган сўз бўлиши мумкинлигига [8] ҳам эътибор қаратилган.

Топонимик объектларни номлашда ўзига хос қонуниятлар мавжуд. Аҳоли пунктларига ном қўйишда у ерда яшовчиларниинг қайси уруғ, қабила, миллатга мансублиги, кишиларнинг исми, амали, лақаби ёки қайси табақага мансублиги каби белгилар алоҳида ўрин тутади. Топонимлар бошқа тиллардан кириб келиши ёки ҳозир истеъмолдаги тилдан чиқиб кетган эски сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бироқ этноойконимлар (уруғ, қабила, миллат, халқ номлари билан аталган жой номлари) ҳар доим ҳам шу ерда яшаган халқ (этнос)нинг номини билдиравермайди. Буни далиллашга мисол сифатида Руминия қачонлардир бу ерни босиб олган римликлар номи билан аталгани, Бобурдан сўнг Фарғона ва Самарқандда қолган турклар ўзларини ўзбеклар ёки буюк ватандошимиз Ҳиндистонда тузган давлат «Буюк мўғуллар империяси» деб номланганини келтириш мумкин. Турли даврлардаги ижтимоий-сиёсий ҳолатлар ҳам топонимларда ўз изини қолдиради. Шунингдек, бирон бир элатнинг урф-одати, расм-русуми, оилавий муносабатлари билан боғлиқ номлар ҳам Фарғона водийсида кенг тарқалган. Андижон топонимидаги «анди» терминини ҳам биз юқоридаги қонуниятларга асосланиб ўрганиб чиқдик.

Жой номлари этимологиясини аниқлашда топонимнинг энг қадимги шакли олинади, чунки бу хақиқатни аниқлашга кўпроқ ёрдам беради. Андижон топоними дастлаб Андигон шаклида ишлатиб келингани тарихий манбалардан маълум.

Топонимдаги *гон* форманти *сув, дарё* маъносини англатиши ҳақида фикрлар айтилган. Бироқ «анди» сўзининг этимологияси ҳақида аниқ бир фикр айтилмаган, фақатгина С.Жалилов бу атама қабила, уруғ номидан олинмай, балки маълум касбдаги кишилар гуруҳининг номи бўлиши мумкин дейди. Ҳақиқатан ҳам этнология фанида этноснинг токсономик бирлиги сифатида кишиларнинг шундай гуруҳлари – консорция ва конвиксия ажратилади. Консорция – тарихий тақдири бир хил бўлган кишилар гуруҳи, бундай гуруҳнинг бир неча авлод давомида сақланиб қолишидан конвиксия, яъни бошқалардан ўзига хос турмуш тарзи, оилавий алоқалари билан ажралиб турадиган кишилар гуруҳи юзага келади [9,111].

Этнологиядаги бу қонуниятдан биз тарихий далиллар ёрдамида Андижон топоними этимологиясини ўрганишда фойдаландик.

Андижон атрофидаги топонимларни ўрганиш бу ерда турк-мўғул қабилаларига мансуб аҳоли кўп яшаганини кўрсатади. Айниқса, *ўйрот, барлос, боёвут, сарой, найман, дўрмон, жалоир, қўнжи, қипчоқ, қўнғирот, қушчи, манғит, минг* қабилалари номи билан аталувчи қишлоқлар кўп учрайди. Шу ерда диққатимизни турк-мўғул қабилалари орасида ўз даврида характерли бўлган ўғил болаларнинг қон чиқариб дўст, ака-ука тутиниши, яъни «анди» бўлиш одати тортди. Бу одат бўйича бир-бирларига совға-салом бериб дўст тутинган ўғил болалар қариндошлардан ҳам яқин бўлиб, бир-жону бир тан ҳисобланганлар. Бундай дўстлар ўлим хавф солиб турганда ҳам дўстини қутқариши лозим бўлган [10.116].

Тарихда Чингизхон билан Жамуха, Александр Невский билан Ботухоннинг ўғли Сарток ёки Андижон тарихида ёрқин из қолдирган мўғул хонларининг «анди» тутинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу одатнинг келиб чиқишига доимий жангу-жадалда, кўчманчи ҳаёт кечирувчи турк-мўғул қабилаларининг турмуш тарзи сабаб бўлган бўлиши мумкин. Фарзандини олис сафарга, жангга кузатаётган ота-она унинг ёнида келиб чиқиши, зоти тоза, зурур ҳолларда суяниш мумкин бўлган бир дўсти бўлишини истаганлар ва бу аждодлардан қолган ажойиб одатни сақлаб келганлар.

Анди (анда) сўзи ҳозирги ўзбек тилида ҳам юқоридагига яқинроқ маънода ишлатилади. Буни «қуда-анда бўлиш» ибораси ёки Андапўлат (пўлатдай мустаҳкам анда) исмлари орқали билиш мумкин. Бундан ташқари, ўғил болаларнинг юқоридаги одат бўйича ота-оналари хоҳишига кўра дўст тутиниб «анда» бўлиши ҳозирги кунда ҳам Андижон ва унинг атрофида яшовчи аҳоли ўртасида сақланиб қолган. Хусусан, Марҳамат туманида ушбу мақола муаллифининг 4 ёшга кирганида ота-оналари хоҳиши билан «анди» тутинган ва бу ҳақда юртга овоза қилинган дўсти Қосимжон Бобожонов умргузаронлик қилмоқда.

Ўғил болаларнинг «анди» бўлиб дўст тутиниш одати Андижон ва унинг атрофида яшаган аҳолининг оилавий муносабатларидаги бошқалардан ажралиб турган белгиси саналади. Топонимикада эса бирор жойга ном қўйишда у ердаги аҳолининг характерли белгисини ҳисобга олиш қоидаси бор. Яъни атрофдаги аҳоли юқоридаги оилавий алоқа тури бор бўлган кишилар гуруҳини «анди»лар, улар яшайдиган масканни «андигон» деб атаган бўлишлари мумкин. Демак, бу ўринда «андигон» атамаси «дўстнинг оғир кунига ярайдиган, мард, довюрак кишилар макони (кони)» маъносида ишлатилган бўлиши эҳтимолга яқин.

Мазкур фикрларимиз мутлоқ ҳақиқатга даъвогарлик қилмаса-да, «Андижон» сўзининг юқорида таклиф этилаётган этимологияси ҳам бир вариант сифатида қабул қилиниши мумкин деб ўйлаймиз.

Марҳамат топонимига келсак, унинг келиб чиқиши борасида кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикри бир хил. Дукчи Эшон қўзғолонида (1898) иштироки учун бузиб ташланган Мингтепа қишлоғи аҳолиси 1899 йилда Оқ подшонинг марҳамати билан берилган ерга кўчирилган. Шу жойда бунёд этилган қишлоққа Марҳамат («Инъом») деб ном берилган. Кейинчалик бу ном шаҳар ва туманга берилган.

Топонимлар миллий тилнинг таркибий қисмидир. Ҳар бир миллат ўз тили бойлигини сақлашга, уни соф ҳолда авлодларга етказишга, жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига ҳаракат қилади. Халқнинг мустақиллиги қўлдан кетса, унинг тилига ҳам тажовуз бошланади, шунингдек, жой номлари ҳам тўхтовсиз ўзгартирилади. Бу ҳақда мустақиллигимиз учун курашган, Андижон қўзғолонининг раҳбари Муҳаммадали халфа Собир ўғли – Дукчи Эшон халққа қилган мурожаатида шундай деган эди: «Ўрус Ватанимизга истило этди. Сўнгра тилимизга истило қилди... Қубони – Федченко, Марғилонни – Гўрчакоф, Симни – Искобилиф, Бағдодни – Серова, Конибодомни – Милникуф деб ҳамма шаҳарларимизга бирор ўрис генералларининг исмини тақди» [11,32]. Шижоатли ҳамюртимизнинг ниятлари мустақиллигимиз туфайлигина ижобат бўлмоқда. Бу масалада бепарволикка йўл қўйиб бўлмаслигига чақириб, мустақилликкача бўлган даврда қўйилган баъзи географик номларнинг сақланиб қолаётганлигига ачиниб шоир Муҳаммад Юсуф қуйидаги сатрларни ёзган эди:

Қандай алам отимизни қўйса ёвлар
Марғилонлар қаердаю Гарчаковлар?
Бизни азал буколмаган бу синовлар,
Мингтепани атайлик ўз номи билан.
Ҳар ким ўзи қўйсин от ўз неъматига,
Мард ястанмас номардларнинг наматига
Ҳеч бўлмаса Дукчи эшон ҳурматига
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Биз ҳозирда мавжуд номларни зудлик билан ўзгартириш керак деган фикрдан узоқмиз. Бу муайян ҳуқуқий жараёнларни, молиявий харажатларни талаб қилиши маълум. Юртимизнинг машҳур, миллатимиз фахрига айланган инсонлари чин юракдан истаган ниятлар мустақиллигимиз туфайли қонун даражасида кўриб чиқилмоқда. Юқорида келтирилган «География

объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида «Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига одамларниг исми-шарифларини беришга, шунингдек, **уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга**, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди» деб ёзилган. Агар бу тарихий воқеа миллий мафкурамизга тўғри келмайдиган, халқимизнинг мустақиллик учун курашган инсонларини камситувчи, тахқирловчи ном бўлса, уни қонун доирасида қайта кўриб чиқиш бизнинг бурчимиздир. Ушбу масъулиятли вазифани бажариш кўп жиҳатдан вилоят ва туманларда тузилган географик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия, унинг қошидаги ишчи гуруҳ ҳамда шу соҳа олимларининг зиммасига тушади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Т.: Маънавият, 2008.
2. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан.- Т.,1965.
3. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства.- Казань, 1886.
4. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати.- Т., Ўқитувчи, 1977.
5. Ҳасанов Х. Географик номлар сири.- Т.: Ўзбекистон, 1985.
6. Қораев С. Топонимика.- Т., 2006.
7. Шамсутдинов Р.Т. Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. –Т.: Sharq, 2013.
8. Аҳмадалиев Ю. Анди – тутинган демак // Фан ва турмуш.- 1997.- №1.
9. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли.– Л.: Гидрометеоиздат, 1990.
10. Гумилев Л.Н. В поисках вымышленного царства.– М., 1992.
11. Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи эшон.- Т.: Шарқ, 1994.

2014 йил 15 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)

Н.Сулаймонова *– Низомий номидаги ТДПУ доценти, филология фанлари номзоди;*
К.Сулаймонова *– Тошкент давлат шарқшунослик институти тадқиқотчиси.*